

«ТАСДИҚАЙМАН»

Давлат тест маркази жамоатчилик
кенгаши раиси

 И.Мирзаалиев

“19” ИЮЛЬ 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест
маркази Жамоатчилик кенгаши йиғилишининг
2022 йил 19 июлдаги бўлиб ўтган
2-сонли мажлис
БАЁНИ

КУН ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий тилларни ўрганишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 19 январдаги ВМ-34-сонли қарорининг ижроси.

Ж.Нурматов – Давлат тест маркази бошқарма бошлиғи.

2. Коррупцияга қарши курашиш, ходимлар орасида тушунтириш ва тарғиботлар олиб бориш ишлари.

Қ.Юсупов – Давлат тест маркази Коррупцияга қарши ички назорат тузулмаси раҳбари.

3. 2022/2023 ўқув йилида республика олий таълим муассасалари бакалаврият таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш бўйича ўтказиладиган тест синовларига тайёргарлик ҳолати тўғрисида.

Б.Тошпўлатов – Давлат тест маркази бошқарма бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази Жамоатчилик кенгаши раиси Мирзаалиев Икболжон Мирзакаримович йиғилишни очиб берди ва йиғилиш аъзоларини кун тартиби билан таништирди. Кун тартиби бир овоздан маъқулланди. Шунингдек, кун тартибидаги биринчи масалага ўтишдан аввал жамоатчилик кенгашининг янги таркиби шакллантирилганлиги ва тасдиқланганлигини маълумот учун қабул қилинишини кайд этиб ўтди

Кун тартибидаги **биринчи масала** бўйича сўз Давлат тест маркази бошқарма бошлиғи Ж.Нурматовга берилди.

Ж.Нурматов – мамлакатимизда таълим соҳаси ривожланган сари ёшларимизнинг олий маълумотли бўлиш истаги тобора ошиб бораётганлиги уларга янада кенг имкониятлар, имтиёзлар яратиш эҳтиёжини келтириб